



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Хурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа жонкуярлари!

Жонажон днёримизда дала ишлари, жорий мавсум якунига етиб бораётган ушбу кутлуг айёмида сизларни ва кўпмиллатли бутун халқимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Фидокорона меҳнати билан тупроқдан ноз-неъмат ундириб, халқимиз дастурхонини тўқин қилиб келаётган сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир боғбон ва чорвадорларга, омилкор агроном ва механизаторлар, кластерларнинг тажрибали раҳбарлари ва ходимлари, соҳанинг ҳурматли фахрийларига ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Сўнги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ана шундай мураккаб шароитга қарамадан, жорий йилда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз билан юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўшт ва сўт, 30 минг тонна пилла етиштирилгани — чинакам қаҳрамонлик намунаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Бунинг учун сизларнинг шаънингизга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Албатта, бундай улкан ютуқларга эришишда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ривожига берилаётган юксак эътибор, тармоқда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари замон талаблари асосида йўлга қўйилаётгани ҳақ қилувчи аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши тушунамин.

Айниқса, соҳага илгор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация ютуқлари кенг жорий этилаётгани ижобий натижа бермоқда. Бу йил 100 минг гектар майдонда касаллик ва зараркунандаларга чидамли серҳосил гўза навлари экилиб, улардан мўл ҳосил етиштирилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Галлачиликда ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш натижасида ўртача ҳосилдорлик биринчи марта 85 центнерга етказилди. Олти мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз бу борада 90-100 центнерлик маррани забот этганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ресурсларни тежайдиган интенсив технологиялар асосида 50 минг гектар майдонда сабзавот етиштирилиб, ҳосилдорлик анъанавий усулга нисбатан 200-250 центнерга ошгани, соф даромад гектаридан 6-8 минг долларни ташкил этгани ҳам муҳим ютуқларимиз қаторига қиради.

Йил давомида қишлоқ хўжалиги субъектларига 18 триллион сўм имтиёзли кредит ва 176 миллиард сўм субсидия ажратилгани, умумий қиймати 3,6 триллион сўмлик 11 минг 600 донга юқори унумли замонавий техника ва агрегатлар етказиб берилгани ҳам мавсумни самарали якунлашда муҳим омил бўлди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, уларнинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида илк бор Миллий дастур қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш учун хорижий молия ташкилотларидан 160 миллион доллардан ортиқ маблағлар жалб этилмоқда.

Бу йил қишлоқ жойларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш инфратузилмасини ривожлантириш



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕЖАМКОРЛИК ВА ТАЖРИБА УЙГУНЛАШГАН МУҲИМ СОҲА

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРГА ЎҚИТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ДАВЛАТИМИЗ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 декабрь кунин аҳолини талаб юқори касбларга ўқитиш ва даромадли иш билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Бу масала давлатимиз ижтимоий сиёсатида доим устувор. Иқтисодий глобаллашув жараёнида ўрта бўгин кадрларга бўлган талаб кун сайин ошиб борапти.

Шу боис, йиғилишда ўрта бўгин мутахассисларини тайёрлашдаги асосий масалалар таҳлил қилиниб, долзарб вазибалар белгиланди.

Сўнги беш йилда саноат корхоналарига 24 миллиард долларлик ускуналар олиб келиниб, 63 мингта янги қувват ишга туширилган, 1 миллион 500 мингта доимий иш ўрни яратилган. Ҳозирда иқтисодиёт тармоқларида 200 мингдан ортиқ малакали мутахассисга талаб бор.

Келгуси уч йилда инвестиция дастурлари доирасида ишга тушадиган корхоналарда яна 500 минг нафар ишчи талаб юзага келади. Янги ускуналар ва технологияларда ишлаш учун малакали кадрлар сув ва ҳаводек зарур.

Мамлакатимизда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун техникумлар билан корхоналарни боғлаб, дуал таълим тизимини

ривожлантириш бўйича ижобий тажрибалар бор. Хусусан, Асака транспорт ва машинасозлик техникуми, Бухоро шаҳар энергетика, нефть ва газ саноати техникуми, Ширин энергетика техникуми, Ғузур тумани ва Шахрисабз шаҳри 1-сон техникумларида маҳаллий ва хорижий корхоналар билан ҳамкорликда замонавий мутахассислар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга манфаатли шароит қилиб бериш орқали дуал таълим қаровини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Германия билан ҳамкорликда 14 та техникумда талаб юқори касбларга ва немис тилига ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Ҳокимлар ва тармоқ раҳбарлари ҳар бир ҳудудда камида 5 тадан техникумда ушбу тажрибани жорий қилиш топширилди.

Замонавий касбларда хорижий тилларни билиш жуда муҳим. Шу боис, мактаблар ва касб-хўнарга ўқитиш марказларида бундай дарсларни қўпайтириш, техникумларга хориждан

ўқитувчилар олиб келиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилиш тизимидаги 65 та касбий кўникма марказида ўқитиш сифатини ошириш, грантлар жалб этиб, замонавий касбларга мос ускуналар билан жиҳозлаш кераклиги айтилди.

Вилоятлардаги 13 та қурилиш касбига ўқитиш маркази дастурлари ҳам меҳнат бозоридида талаб юқори касбларга мослаштирилади. Қабул тизими рақамлаштирилиб, йилига 20 минг фуқаро касбга тайёрланади.

Касбларни мустақил ёки шогирдликка тушиб ўрганганларга халқаро тан олинган сертификатлар бериш йўлга қўйилди. Бунинг учун ҳудудларда 5 та Касбий малакани баҳолаш маркази ташкил қилинади.

Ташқи ишлар вазирилиги Буюк Британия, Германия, Канада, Словакия, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатларда ўқиб ва малака ошириш, замонавий корхоналарда ишлаш истагида бўлган фуқароларга енгиллик бўлиши учун виза

тартибини соддалаштириш бўйича зарур чоралар кўриш топширилди.

Матълумки, ривожланган давлатларда талабалар учун “Work and Travel” каби кўплаб дастурлар бор. Жумладан, Ўзбекистонлик ёшлар таътил вақтида чет элга бориб, ҳам билим олапти, ҳам даромад тояпти. Бу дастурлардан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида келгуси йилдан Ёшлар ишлари агентлиги томонидан талабаларнинг йўлқира харажатлари учун ссуда ажратиш йўлга қўйилиши айтилди.

Бундан ташқари, чет элда меҳнат қилаётган юртдошларимиз билан мулоқотни кучайтириш, уларнинг кўпроқ оиллик олишига шароит яратиш ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди. Ишсиз аҳолини талаб юқори касбларга ўқитиш, хориждан қайтганларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ вазибалар белгиланди.

ЎЗА

ҲУДУДИ КАТТА ВИЛОЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТИ ҲАМ, САНОАТ САЛОҲИЯТИ ҲАМ ШУНГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев 7 декабрь кунин Навоий вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Навоий — ҳам ҳудуд, ҳам инфратузилма, ҳам саноат салоҳияти жиҳатидан катта вилоят. Сўнги етти йилда 8 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 6 минг 500 та лойиҳа ишга туширилган. Бу йил 2 миллиард 200 миллион долларлик 577 та лойиҳа якунланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ойда вилоятга ташириш чоғида иқтисодиётни янада ривожлантириш, қўшимча имкониятларни излаб топиш бўйича топшириқлар берилган эди. Йиғилишда шу асосида тайёрланган таклифлар кўриб чиқилди.

Масалан, Қармана туманидаги кимё технопаркига туташ яйлов ерда янги саноат корхоналарини жойлаштириш мўлжалланмоқда. Инфратузилма ва хомашё борлиги боис, у ерда келгуси йилнинг ўзида каолин, кварц, диоксид кремний, мато бўёғи лойиҳаларини бошлаш мумкин.

Хитойлик инвесторлар Хатирчи туманида кварц ва гранитни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш ташаббусини билдирган. Конимех, Навбахор ва Учқудук

туманларида жойлашган 11 та фойдаланиш қазилма майдони ҳам ўзлаштириш учун истиқболли.

“Айдаркўл” атрофидаги 150 гектарда меҳмонхона ва дам олиш масканлари барпо этилса, 10 минг нафаргача сайёҳларга хизмат кўрсатадиган лойиҳалар амалга оширилади, 200 та иш ўрни яратилади. Нуротанинг Сентоб, Хатирчининг Лангар ва Ангидон қишлоқларида 200 та оилавий меҳмон уйи ташкил этилиши йилига 600 мингта яқин сайёҳларни жалб қилиш, 500 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш имконини беради.

Юртимиздаги яйловларнинг 43 фоизи Навоий вилоятида, лекин унинг 5 фоиздан фойдаланилмайпти, холос. Шу боис, 350 минг гектар яйловга даромад билан иқлимга мос озук экинлари, дориовор ва зиравор уруғлар сепилди ҳамда аҳолига бўлиб берилади. Томди ҳамда Учқудук туманларида эчкичилик ва қўйчилик ривожлантирилади.

Шунингдек, Томди ва Нурота туманларини қурилиш материаллари,

чорвачилик ҳамда туризмга, Хатирчини тўқимачилик ва мева-сабзавотчиликка иқтисослаштириш учун барча шароит бора. Хусусан, Хатирчида гени ўзгармаган ва органик маҳсулот сертификатини берадиган замонавий лаборатория ташкил қилинмоқда. Мазкур туманда 500 гектар, Навбахорда 200 гектар адир ерларда интенсив боғ ва тоқзорлар барпо қилинади.

Далалар ва маҳаллаларда бозорбоп маҳсулотлар етиштириш рағбатлантирилади. Жумладан, Италиядан кунгабоқар уруғи олиб келиб, такрорий экин сифатида 10 минг гектарга экин тақлиф қилинмоқда. Натижада 5 минг аҳоли қўшимча даромадга эга бўлади, ишлаб чиқариладиган кунгабоқар ёғи вилоят аҳолисининг йиллик талабини қоплайди. Пахтачиликда ҳам ҳудуд тупроғига мос, сувсизликка чидамли Хитойнинг гўза навларини экин кенгайтирилади.

Бу йилнинг ўтган даврида вилоятда 111 минг аҳоли ишга жойлаштирилган. 2025 йилда 140 минг аҳолининг банд-

лигини таъминлаш, 10 мингта оилани камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган.

Йиғилишда Навоий вилояти ҳокими шу каби ресурсларни ишга солиш, 2025 йилда тармоқ корхоналаридан ташқари 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, 320 миллион доллар экспортни таъминлаш бўйича режаларини тақдир қилинди.

Лекин булар вилоят салоҳияти даражасида эмаслиги боис, режаларни қайта кўриб чиқиш топширилди.

Янги лойиҳаларни кўпроқ Конимех, Нурота, Хатирчи ва Томди туманларида жойлаштириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Ишсиз аҳолини замонавий касбларга ўқитиб, юртимизда ва чет элдан юқори даромадли ишларга жойлаштириш вазибаси белгиланди. Иқтисодий имкониятлари кенг, шу билан бирга, аҳолиси нисбатан кўп бўлмаган Навоий вилоятини ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш мумкинлиги таъкидланди.

ЎЗА

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ОРОЛЬЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Шундан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонни имкониятлар, халқчилик ислохотлар, адолатли қонун устувор мамлакат, деяр эътироф этсак арзийди. Албатта, юртимизда кечаётган изчил ислохотлар тағ замирида халқ розилиги, инсон манфаати мужассамлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Узоқни кўзлаб олиб борилаётган бугунги одилона сиёсат соҳалар ривожини, шунингдек, мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиққани шубҳасиз.

Ҳаётдан розилик ҳисси

Янгилаётган Ўзбекистонда Қорақалпоғистоннинг ҳам алақачон шу босқичга қадам қўйганини фахр билан таъкидлаш лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон заминига, халқига бўлган юксак эътибори, яратиб берилаётган имкониятлар боис, Қорақалпоғистон бутунлай янгидан ислох қилинди, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида мустақамлангандек, шаҳарсозлик лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиб, янгидан янги иншоотлар, тиббиёт масканлари, мактаб ва мактабгача таълим, маҳалла гузарлари, IT парк, кўйинги, олис туманларда туристик объектлар, меҳмон уйлари замонавий тилда бўй тиклагани бунинг амалий ифодасидир.

Янги таҳрирдаги Конституция инсон шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолатидир. Бунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳи ва қатламлари манфаатлари ҳисобга олинади. Шунга кўра, юқорида қайд этилганидек, янги Ўзбекистон — ижтимоий ва дунёвий давлат, деяр таъкидлаш ўринли.

Бугунги кунда инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш гоёси давлатимизнинг бутун ички ва ташқи сиёсатининг тамал тошига, янги Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига ҳамда ушбу эзгу саъй-ҳаракатларни ўзаро боғлаб туривчи муҳим омилга айланади. Янги



таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига тааллуқли нормалар 3 баробар кўпайди. Энг муҳими, Асосий қонунимизда биринчи марта “Ўзбекистон — бошқаруving республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, деган норма белгиланди.

Ижтимоий давлат деганда, аввало, ўз фуқароларига муайян минимал фаровонликни кафолатлайдиган давлат тушунилади. Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсади ҳар бир фуқарога гамхўрлик қилиш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашдан иборат.

Давоми 3-бетда



Қишлоқ хўжалиги — мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли бандлигини таъминловчи муҳим соҳалардан бири. Шу жиҳатдан олганда, мазкур соҳага қаратилган эътибор тараққиётимизга эътибор, десак муболаға бўлмайди. Кейинги йиллардаги соҳа равнақи йўлидаги ислохот ва янгиланишлар айни шу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Қишлоқ хўжалиги тежамкорлик ва тажриба уйғунлашган муҳим соҳа

Мамлакатимизда ҳар йили декабрь ойининг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунли сифатида кенг нишонланади. Шу сана боис соҳада бир йил давомида қилинган ишлар сарҳисоб, натижалар таҳлил қилинади. Келгуси режалар, истиқболли лойиҳалар белгилаб олинади. Мазкур аънона бу йил ҳам давом этиб, республикамиз бўйлаб муносиб қаршиланоқда.

Президентимиз табриғида таъкидланганидек, мураккаб шароитга қарамастан, жорий йилда деҳқон мулкдорларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва поллиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп ўғит ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилгани чинакам қаҳрамонлик намунаси.

Ҳар қандай соҳа ривож, табиийки, ҳуқуқий асосга бориб тақалади. У қанчалик мукаммал ва пишиқ бўлса, самара ҳам шунчалик юқори бўлади.

Жорий йил 2 декабрда давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, ушбу йўналишда янги лавозимлар жорий этилди. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари тузилмаларига — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, туман ҳокимликлари тузилмаларига — ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи лавозими киритилди.

Хўш, бунга нима зарурат бўлди? — Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазири қотибяти бошлиғи Шамшод Эргашев. — Яъни вилоят ҳамда туманлар ҳокимларининг

қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳудудий қишлоқ хўжалиги бўлимлари бошлиқлари вазифа ва функцияларида тақрирланган мавжуд эди. Натижада соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш ва стратегик вазифа ҳамда ислохотларни тўлиқ амалга ошириш чекланиб қолаётганди. Белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда ушбу тақрирлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Аммо ҳудудларда қишлоқ хўжалиги соҳасида интеграциялашган бошқарув тизими етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самардорлиги ҳамда қўллаётган натижалар агросаноат мажмуидида бошқа йўналишларга (сув таъминоти, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги техникаси ва минерал ўғитлар таъминоти) ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур вазият вилоят ва туманларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ягона давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, вазириликнинг 177 та бошлиқ штати мақбуллаштирилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга маъсул 1 нафардан бош мутахассис лавозими киритилди. Замонавий талабларга жавоб берадиган аграр соҳада ихчам, интеграциялашган давлат бошқаруви тизими йўлга қўйилди. Мақбуллаштирилган штат бирлиги ҳисобига давлат бюджетидан ҳар йили қарийб 5 миллиард сўм иқтисод қилинади. Бу давлат бюджетидан қўшимча молиявий харажатларни талаб этмайдиган жараён.

Янги ташкил этилаётган лавозим эгалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини модернизациялаш, диверсификациялаш ҳамда барқарор ўсишни қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция оқинини кўпайтириш орқали соҳада давлат иштирокчини камайтириш, инвестициявий жойбадорликни ошириш механизми жорий қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Бунга бежиз ургу бермаямиз. Бинобарин, ҳозирги иқлим, экология тобора мураккаблашиб бораётган, сув тақчиллиги, туپроқ



унумдорлиги пасайиб кетаётган бир шароитда ердан мўл ҳосил етиштириш чинакам жасорат ва матонат намунаси. Бунинг учун самарали бошқарув, ишга илмий ёндашув зарур.

Сўнгги уч йил ичида Президентимизнинг соҳани ислох қилиш ва бозор муносабатларини жорий этишга оид 15 дан зиёд фармон ва қарори қабул қилинган соҳа ривожини учун мустақкам асос яратмоқда. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан пахтачилик, галлчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, пиллачилик ва ипакчиликда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, соҳада қўшилган қиймат яратиш ва уни рағбатлантириш, маҳсулотларини эркин бозорда сотиш бўйича янги механизмлар жорий қилинди. Хусусан, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларини тўғри йўлга қўйиш бўйича қатор бозор ислохотлари амалга оширилди. Пировайдга етиштирилган пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган тола ва иккиламчи маҳсулотларини биржа савдолари орқали сотиш имконияти яратилди. Пахта

хомашёсини етиштириш харажатларини молиялаштиришга давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар тўғрисида тўғри фермер хўжалиқларига эркин тасаруф қилиш шарти билан берилмаган бўлди. Янги кластерларни ташкил этиш ва фаолият юритиш бўйича оsonлаштирилган талаб ва тартиблар жорий этилди.

2024 йил 8 ноябрь кунини имзоланган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги қонун ҳам соҳа ривожига, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини янада мустақкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Янги кооператив тизимида қишлоқ хўжалиги мулкдорлари, фермер хўжаликлари ёки деҳқонлар ўзаро бирлашиш ишлари, бир хўжалик имкони етмаган масалаларни ҳамкорликда ҳал этиши мумкин. Ҳозир республикамизда 671 та агрокластер, 91 мингдан зиёд фермер хўжалиги, 5,5 миллион нафардан ортиқ томорқа ер эгалари мавжудлигини инобатга олсак, унинг долзарблигини янада ортади.

Юртимизда 20 миллион гектардан ортиқ ерда озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари етиштирилмоқда. Мавжуд суғорилмаган экин ер майдонларини оқилона бошқариш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр соҳани модернизация қилиш, ҳосилдорликни оширишда сув тежовчи технологияларнинг ўрни алоҳида. Шу мақсадда 641,7 минг гектар майдонда замонавий сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, суғоришда 1,9 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди.

Бир қарашда ҳозир деҳқон бир оз тин олаётган паллага ўхшайди. Лекин, аслида, қишлоқ ҳам иш фаоли. Бу йилги ҳосилни даладан йиғиб олган, ишларни саранжомлаб кўнгли хотиржам тортган деҳқон келгуси йил тадоригини бошлаб юборган. Яъни бу соҳада танаффус бўлмайди.

Таъбир жоиз бўлса, бу иш тутуми бугун анча замонавийлашган. Яъни тадбиркорликни, уйдабуронликни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Энди деҳқон бир экинни экиб қўйиб, йил бўйи унга қараб ўтира олмайдди. Аксича, қишлоқ хўжалигига инновация,

илм-фан ютуқларини қўллаш зарурати ва фурсати алоқачон етиб келган. Чунки сўнгги йилларда дунё аҳолиси сони кескин ошмоқда. Ўзбекистон нуфуси яқин ўн йилда 50 миллионга етади. Бу давлатимиз олдида барқарор озиқ-овқат таъминотини, бунинг учун эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш масалаларини қўймоқда.

Йилдан йилга кескинлашиб бораётган иқлим ўзгариши, турли табиий офатлар, сув тақчиллиги тобора ортиб бораётгани ҳам барчадан катта масъулият ва катта салоҳият билан ишлашни тақозо этапти. Энди аввалгидек сувни ариқларга беҳуда оқизиб, ўғитларни дала бошига тўкиб ташлаб, қаровсиз қолдира олмаيمиз. Далага экинган экинни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз. Бугунги вазият, шароит бунга йўл қўймайди. Яъни ҳар нарсдан тежаб-тергаб фойдаланишни ўрганишимиз зарур ва шарт.

Ўзбекистонда аграр соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, соҳага хориж давлатлари тажрибаси, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ушбу масала шахсан давлат раҳбарининг доимий диққати ва назоратида туришининг боиси ҳам шунда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг пахтачилик йўналишида илмга асосланган уруғ ва нав танлаш, озиқлантириш ва суғоришда илм-фан ютуқлари ҳамда инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, эртапишар, серҳосил, тола сифати юқори навларни жойлаштириш натижасида қўзланган ҳосил яратилмоқда.

Жорий йилда илк бор гўзанин турли зараркундаларга чидамли, иқлим шароитимизга тўла мос келувчи хорижий нав уруғлари келтирилиб, юртимизнинг турли ҳудудларидаги 100 минг гектар ерда парваришланди. Бу тажриба бутун ўзини тўла оқлади.

Республикамизда доғли маҳсулотлар етиштириши янада кўпайтириш, аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига талабни тўла қондириш, қайта ишлаш ва импорт ҳажминини камайтириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида соҳани ривожлантиришда қатор тизимли ишлар қилиняпти. Бунинг натижасида охириги уч йилда галла ҳосилдорлиги гектарига 6,4 центнер ошди. Галла экиладиган очик майдонларнинг 200-250 минг гектарига замонавий ресурс тежамкор сеялаларда лазерли усулда текислаш ишлари амалга оширилди. Олдинги йиллардагига нисбатан 2024 йил ҳосили учун галла экиш 10-12 кун эрта ақунланди. Қўлланилган инновацион ишланмалар ва илм-фан ютуқлари ҳисобига мўл ҳосил етиштирилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадининг камида 2 баравар ошириш, тармоқнинг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Амалга оширилаётган ишлар, ислохотлар соҳа вакиллари ана шу мақсадга етиш учун рағбатлантирилмоқда, куч-қувват бермоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Нуқтаи назар

КЕЧИРИМЛИЛИК ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Кечиримлилик — халқимизга хос хислат. Давлат хато қилган фарзандини кечирувчи ота-она сингари ўз фуқароларига қайта имконият тақдим этиши жуда муҳим. Бу фуқаронинг давлатга бўлган ишончи ва меҳрини ҳис этишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Билиб-билмай қилган хатоси учун одамни маҳкум сифатида жамиятдан ажратиб қўйиш мақбул иш эмас. Уни кечириб, тўғри йўл топшишга имкон бериш, қўллаб-қувватлаш асл инсоний қадриятлардандир. Бу яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробар.

Шу жиҳатдан сўнгги йилларда қўлланилган маҳкумларни афв этиш ва қайта ижтимоийлаштириш сиёсати амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Президентимизнинг 2017 йилдан бери афв этиш билан боғлиқ 20 дан ортиқ фармони эълон қилинди. Зеро, афв айбдорни кечириб, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлганининг узрини қабул қилишдир. Бу институтнинг афзаллиги, икки томон манфаатлари учун адолатли ёндашув бўлиб, жабр етказувчи ва жабр кўрувчилар манфаатини бир хил ҳимоя

қилади. Бинобарин, афв замирида нафақат кечиримлилик, балки юксак инсонпарварлик намунаси мужассам. Негаки афв этилган шахсларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам бундай инсонпарварлик муносабатидан баҳраманд бўлади. Адолатли жамиятда айбдорларни жазога тортишдан мақсад уларни жазолаб янада ашаддийлаштириш эмас, балки тўғри йўлга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантиришдир.

Афв этилган бир инсон тақдирини ортида унинг яқинлари, оила аъзолари, дўстлари, қариндошлари ва яна қанча инсонлар турганини унутмаслик керак. Бу орқали қўллаб-қувватлаш билан давлатга нисбатан ишончли муносабатларни мустақкамлаш мумкин. Шу боис, адашиб, номақбул йўлга кирган, аммо кеч бўлса-да, ўз қилмиши хатоллигини англаб етиб, чин дилдан пушаймон бўлган ва тузатиш йўлига қатъий ўтган юртдошларимизнинг жазолаб янада ашаддийлаштириш билан ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан имзоланган “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармон давлатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғидир.

Мазкур ҳужжатта мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан

пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 483 нафар шахс афв этилди. Бу шунча оилага қувонч, шодлик ва умид олиб кирди, дегани.

Ушбу ҳужжат қанчадан қанча инсонларга, уларнинг оиласи ва яқинларига ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди, десак янглишмайми. Афв этилган шахсларнинг 107 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилган бўлса, 275 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди. 7 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. 94 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари эса қисқартирилди.

Айтиш жоизки, ушбу фармон инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсонпарварлик, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий қадрият деб тан олиш каби умуминсоний ва конституциявий принциплар амалда таъминланишининг ёрқин намунаси. Фармонда афв этилган шахслар оиласи ва яқинлари бағрига қайтиб, ижтимоий ҳаётга мослашиши, фойдали меҳнат билан шугулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топшишда уларга кўмак бериш бўйича маъсул вазирилик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди. Бу уларнинг оиласи ва халқимиз олдида ўзини оқлаши, ҳаётда ўрнини топшиш, ҳалол меҳнат қилиб, турмуш тарзини изга тушириши учун яна бир имкониятдир.

Эътибор беринг, мазкур фармон билан тўрт юзи саксон уч нафар шахс афв этилди.

“Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан имзоланган “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармон давлатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғидир.”

Бу кичик рақам эмас. Уларнинг ҳар бирининг ортида кўзи тўрт бўлиб кутаётган оила аъзолари, яқинлари турганини инобатга олсак, ҳар кун фарзандининг “Дадам қаерда, қачон келади?” деган саволига жавоб тополмай юрак-бағри эзилган оналарни кўз олдимизга келтирсак, унинг моҳиятини янада тереңроқ англаймиз.

Бу жараёнда уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топшиш учун яқиндан кўмак берилаётгани яратилаётган имкониятлардан тегишли хулоса чиқариб, юрт тараққиётига ўз улушини қўйиши, оиласи ва юртимизга наф келтиришига муҳим омили бўлади.

Ушбу хайрли иш Бош қонуимиз қабул қилинганининг 32 йиллиги байрами арафасида рўй бергани замирида ҳам чуқур маъно бор. Бу Президентимизнинг афв этишни

амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўбega чиқаришининг ёрқин далили. Юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг амалий натижаси.

Озодлик — улкан бахт. Унинг қадрини ҳамisha англаб етолмаймиз. Айниқса, аёл, она учун оиласи, фарзандлари дийдоридан ортиқ бойлик йўқ. Фармон билан 32 нафар аёлга тўғри ҳаётга қайтиш учун имкон берилди. Уларга тадбиркорлик қилиш, ўз салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш, даволанишга муҳтож бўлса, соғлиғини тиклаши ва бошқа эҳтиёжлари ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилади. Тайинли иш жойи, даромад манбаи бор киши ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди, хато қилмайди. Улар дунёни янгилашга, ўзгартиришга қодир бўлади.



Бахт деган тушунчани ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир уни тинчлик-хотиржамлик ёки сўхат-саломатликка, бошқа биров оила, дўстлар, яқин даромадли ишда деб билади. Лекин озодликдан маҳрум этилган шахс учун оиласи, фарзандлари бағрига қайтишдан ортиқ бахт йўқ, назаримизда. Бағрикенглик ва инсонпарварлик гоёси билан йўғрилган фармон жамиятимизда инсон, унинг ҳаёти ва эркинликлари энг олий қадрият эканини яна бир бор тасдиқлади. Ушбу фармон билан кўплаб хонадонларга шодлик, қувонч ва бахт кириб боргани, ота ёки онасидан айро яшаётган фарзандларнинг келтириш қўнгли нурафшон бўлгани рости. Зотан, бу юрда инсон азиз, унинг кадр-қиммати ҳар нарсадан устун.

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

2024 йил 8 декабрь,

250-сон

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАЖМУИ



Абдулла Қўлдошев, фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор

Айни кунларда “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” бош ғоясини ўзида мужассам этган Асосий қонунимиз қабул қилинганнинг 32 йиллиги байрам тадбирлари мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.



Хар йили Президентимизнинг Конституция байрамини кенг нишонлаш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёш авлодга етказиш борасидаги тегишли фармойиши эълон қилиниши, давлатимиз раҳбарини халқимизга табрик йўллаши анъанасига айланган. Бу йил ҳам ушбу анъана давом этди.

Ташкиллаш ўринлики, янги тахрирдаги Конституциямизга ҳаётий муҳим ўзгаришлар киритилди, хусусан, мамлакатимиз суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Юртимиздаги ислохотларнинг барчаси, аввало, Бош қонунимизда муҳрланган қонда ва тамойилларга мувофиқ ҳаётга таъбиқ этилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жамиятимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, қолаверса, конституциявий-ҳуқуқий шароитта мос ҳолда давлат органлари фаолиятининг янги йўлга қўйилишига гувоҳ бўляпмиз.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Конституция ва қонун устуворлиги тамойили барқарор тарқатишнинг асосий мезони эканига доир фикрининг ҳаётимизда ўз ақсини топаётгани хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Кейинги йилларда иқтисодиётимиз 2 қарра ўсиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 2018 йилдаги 1600 доллардан 3 миң долларга етди. Камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захираларимиз эса 40 миллиард доллардан ошди.

ушбу соҳа сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга қўтарилди, чинакам ҳалқчил тизимга айланди, десак муболага бўлмайди.

Бугунги кунда вазириликнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, вазирилик қўтқарув тузилмаларининг жанговар тайёргарлигини ошириш, уларни замонавий махсус автотехника ҳамда қўтқарув асбоб-анжомлари билан таъминлаш, қўтқарувчиларнинг касбий маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўтқарувчиларимиз фуқароларнинг Бош қонунимизда белгиланган, таъбир жоиз бўлса, энг олий, яъни яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиб, уларнинг ҳаётини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилмоқда, қалтис дамларда уларга умид ва ишонч бағишлаб, ҳаётга қайтармоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямиз талабларига мувофиқ, вазирилик томонидан 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Уларнинг ҳар бирида соҳани такомиллаштиришга қаратилган муҳим нормалар, қолаверса, “Инсон қадрини” тамойили асосида аҳоли манфаатларини кўзловчи янги қондилар мавжуд.

Масалан, аҳоли турар жойларида эҳтиётсизлик туфайли келиб чиқадиган ёнғинда уй эгаларини маъмурий жавобгарликка тортиш аввалги қонунчиликда белгиланган эди. Ваҳоланки, бошпанаси ёниб қолган уй эгалари бу вақтда маънавий ва моддий ёрданга муҳтож бўлиб қолишига кўп гувоҳ бўлганмиз. Шунинг учун вазирилик ташаббуси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда жорий йилнинг март ойида қабул қилинди.

Маҳаллаларда уй-жой фондида фуқароларнинг эҳтиётсизлиги ёки ёнғин хавфсизлиги қондиларини бузиши натижасида ёнғинлар келиб чиқиши оқибатида факатгина ўзига тегишли яшаш хонадонини ёки мол-мулкка зарар етказилган бўлса, улар маъмурий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Асосийси, бу борада ҳали олдимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Бош қонунимиз талаблари асосида такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш вазирилик турибди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорига мувофиқ, жорий йилда вазирилик тизимида сейсмик хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш, экологик дипломатия, авиация ва авиация-қўтқарув технологиялари каби бўлимлар ҳамда касбий малакаларни ривожлантириш бўйича алоҳида беш мутахассис лавозими янгидан ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йилда телевидение орқали аҳолини фавқулодда вазиятлар хавфи ёки рўй берганлиги тўғрисида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизими яратилди, 21 та ўта муҳим ва тоифаланган объектда локал даражадаги хабар бериш тизимлари янгиланиб, аҳоли гавкум жойларида тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган 300 дан ортиқ ахборот таблоси орқали фавқулодда вазиятлар профилактикасига оид видеороликларни узатиш механизми жорий этилди.

Поёнига етган йил давомида халқроқ ҳамкорлик борасида ҳам қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, Хиндистон, Озарбайжон ва Қозғистоннинг тегишли вазирилик ва идоралари ҳамда Россия ва Озарбайжон Фанлар академиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар, Осиёда офатлар хавфини камайтириш халқроқ ташкилоти, Марказий Осиё — Хитой формати, Россия Фавқулодда вазиятлар вазирилик ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган тадбирлар режалари тасдиқланганига эришилди.

Вазирилик тизимида амалга оширилаётган ишлар натижасида сўнгги беш йилда фавқу-



лодда вазиятлар сони 41 фоиз, ёнғинлар эса 31 фоиз камайганини эътироф этиш жоиздир.

Вазирилик шахсий тарқибни фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ соҳа йўналишларида асосий вазифаларини бажариш билан бирга мамлакатимиз ҳаётида стратегик аҳамият касб этган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларга ҳам фаол жалб этилиб, қатор соҳалар ривожига ҳисса қўшиб келмоқда.

Хусусан, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида турли ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик, обodonлаштириш, Оролбўйида яшил қопламалар яратиш, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишга қаратилган ишларда вазириликнинг ҳодимларининг алоҳида хизматлари бор.

Жорий йилнинг январь-март ойларида Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида тегишли вазирилик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда қарийб 218 миң гектар ҳимоя ўрмонзорлари (режа 200 миң гектар) барпо қилингани эътиборга молик.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вазириликнинг ҳодимлари йил давомида 882 миңдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчати эҳди.

2024 йил 2 январь куни Президентимиз томонидан 500 миң ёшни оталиққа олиб, улар

билан манзилли ишларни ташкил этиш белгиланган эди. Шундан келиб чиқиб, алоҳида эътиборга муҳтож ёшлар орасидан ҳарбий соҳани ўрганиш, хусусан, қўтқарувчилик қизиқиши юқорилари учун вазирилик ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказларида 5 кунлик курслар ташкил этилди.

Бундан ташқари, “Юртинг кучи — бирликда, қадрни эса — тинчликда” шiori остида “Фавқулодда вазиятлар вазири кубоги” учун спорт мусобақалари ўтказилиб, 9 миңдан ортиқ ёш ўқитилди.

Ёшлар билан манзилли ишлар натижасида 1300 дан зиёд йигит-қиз пробация ва профилактик хисобдан чиқарилиб, мактаб дарсларига қайтарилди ва низоли ёш оилалар яратилди. Қолаверса, юздан ортиқ ёш вазирилик тизимидаги қўтқарувчи лавозимига қабул қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, мавжуд имконият ҳамда имтиёзлардан самарали фойдаланиш, аввало, юксак ишонччи оқлаш учун барчамиз ўз устимизда ишлаганимиз, ҳуқуқий маданият ва онгимизни юксалтиришимиз, ижтимоий-сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик маъсулиятимизни янада оширишимиз лозим.

Зиммамиздаги маъсулиятни вазириликнинг талаб даражасида бажариш, шахсий маъсулиятни ҳиссини янада ошириш, фаолиятимизни юқори талабчанлик ва қонунийлик асосида ташкил қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолаверди.

Фавқулодда вазиятлар вазирилик ҳодимлари улуг аждодларимизга муносиб ҳолда ҳар лаҳзада юртимизни фавқулодда вазиятлардан асраш учун камарбаста бўлиб, “Ўз вақтида оғохлантириш, қўтқариш ва ёрдам бериш” шiori остида она юртимиз, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик билан хизмат қиладди.

Бундан кейин ҳам ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси ва қадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, янада халқчил тизимга айлантириш учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Бунга мисол қилиб Қорақалпоғистонда инсон манфаати, айниқса, хотин-қизларнинг қадр-қиммати улуғланаётганини айтиб ўтсак. Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида жорий қилинган тизим алақачон ўзини оқлаганини ҳаётини ҳаётини қўриш мумкин.

Жумладан, жорий йилнинг шу кунига қадар “Аёллар дафтари”нинг 5-босқичида қарийб 33 миң ишсиз хотин-қиз бандлиги таъминланди. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ёки шундай фарзанд тарбиялаётган 20 миңдан зиёд хотин-қизга 24,5 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда бир марталик моддий ёрдам пуллари берилди, 70 нафар хотин-қиз ижтимоий ва бошқа манбалар ҳисобидан уй-жой билан таъминланиб, 555 нафарига “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан 749,1 миллион сўмлик ижара компенсация пуллари тўла берилгани уларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Мисолларга юзланганидан бўлса, Кегейли туманидаги “Маданият” овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Раъно Тўлибоева 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши ҳисобига тикувчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини



3 хонали уйга эга бўлди. Бу каби ишлар хотин-қизларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик самараси, албатта. Ушбу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Демократик, хотин-қизларнинг ҳаётдан розилини турмушига янгича мазмун киргани, келажакка умид ва ишончи ошгани аёлларимиз қалбиде шукроналикни уйғотмоқда.

бошлади ва ўзи тенги хотин-қизларни иш билан таъминлади.

Қўнғиротлик Гулзар Қазақбоевага 35 миллион сўм кредит берилди, тахиятошлик Амангул Бектаевага саломатлигини тиклаши, берунийлик Насиба Алимовага операцияси учун 40 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Шунингдек, Хўжайли туманида яшовчи Нигора Атаматовога фаолиятини йўлга қўйиш учун 100 миллион сўм кредит ажратилди ва у ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Тўртқўллик икки нафар ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаб келатган Рўзигул Авезованинг уйи шифер қилиб берилди, шунингдек, ёлғиз аёл Галина Юлдашева имтиёзли уй-жой билан таъминланди, Беруний туманида истиқомат қилаётган 2-гuruh ногирони, эҳтиёмжанд аёллардан яна бири Сапура Жумабоева ҳам



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Оролбўйидаги ислохотлар замири

Конституциянинг 49-моддасида “Давлат барқарор ривожланиш принципида мувофиқ, афроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширадиган”, деб белгиланган. Бунга жавобан Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ислохотлар самараси, айниқса, Мўйноқ туманида яққол кўзга ташланаётганини таъкидлаш ўринли. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси фожиаси салбий оқибатларини камайтириш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, яшил ҳудудларни кўпайтириш, кўкчалзорлаштириш ишлари амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 миллион гектардан ортиқ майдонда қургоччиликка ва шўрга чидамли ўсимлик қўчталари экилди ёки урғулари сешилди. Натижада саксовулзорлар барпо этилиб, чанг-тўзоннинг атрафга тарқалиши олди олинди.

Инсон — табиятнинг ажралмас бўлаги. Ҳаётини эҳтиёткорлик учун зарур бўлган ҳамма нарсаи табиятдан оламиз. Мамлакатимиз бўйлаб олиб борилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси маъруз туманда ҳам ушқоқлик

билан давом этиб, ушбу ҳаракатда барча ташкилотлар ташаббус кўрсатмоқда.

Жумладан, туман газ таъминоти бўлими томонидан 300 туپ кўчат кўп қаватли турар жойлар атрафига, 1400 туپ кўчат Шағирди овулига экилди. Тўртқўл тумани ҳам ташаббусни қўлаб-қувватлаб, “Оналар боғи”ни ташкил қилди, ҳудудларда “Маҳалла боғи”, “Ёшлар боғи” яратилди. Шу тариха миллий қадриятларимиз ва амбаларимизга содиқлик тимсоли сифатида мамлакатимиз ҳудудини боғу бўстонга айлантириш орқали янги Ўзбекистоннинг “яшил” тарққиети учун ҳар бир фуқаро ўз хиссасини қўшаётгани кувонарли.

2025 йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодий йили” деб эълон қилинган янги Ўзбекистонда она табиятни асраб-авайлаш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Камбағалликдан фаровонлик сари

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Оролбўйида камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, таъбир жоиз бўлса, айни йўналишдаги ишлар тарихий босқичга кўтарилди.

Хусусан, жорий йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини

ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ҳамда унинг самарали ижросини таъминлашга қаратилган қарори билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга мувофиқ, 2024 йилнинг қолган даврида 500 миң, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш белгиланди.

Қорақалпоғистондаги барча ташкилот раҳбарлари камбағалликни қисқартириш, бу борада аҳоли салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга киришган. Жумладан, Беруний туманидаги Шимом маҳалласи “етгилиги” ва нурунийлари ҳудудда имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган оилалар шароитини ўрганишти. Жорий йилнинг ўзида 35 та ёш оила аукцион орқали 30 сотихдан ер майдон олиб, полиз маҳсулотларини етиштиригани ва оиласида қўшимча даромад келтиргани маъруз дастурининг амалдаги ифодасидан далолат, албатта.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2024 йил 9 январдаги “2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан Қорақалпоғистонда жорий йилда 120,7 миң аҳолининг доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларда бандлигини таъминлаш дастури тасдиқланди. Ушбу дастурга асосан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 112,8 миң; шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 53,6 миң; қишлоқ хўжалиги йўналишида 52,8 миң; қурилиш соҳасида 4,2 миң; инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш орқали 2,2 миң нафар аҳоли юқори даромадли иш билан таъминланди.

Ёшлар — эртанги кунимиз давомчилари

Конституциянинг 79-моддасида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа, жумладан, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлигини сақлашга, уй-жой, ишга жойлаштириш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратида дийлган. Халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибатли. Айни мақсадда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Бону Давлетовага “Қасаба уюшмалари стипендияси” ажратилган бўлса, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали талабаси Айтуган



билан манзилли ишларни ташкил этиш белгиланган эди. Шундан келиб чиқиб, алоҳида эътиборга муҳтож ёшлар орасидан ҳарбий соҳани ўрганиш, хусусан, қўтқарувчилик қизиқиши юқорилари учун вазирилик ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказларида 5 кунлик курслар ташкил этилди.

Бундан ташқари, “Юртинг кучи — бирликда, қадрни эса — тинчликда” шiori остида “Фавқулодда вазиятлар вазири кубоги” учун спорт мусобақалари ўтказилиб, 9 миңдан ортиқ ёш ўқитилди.

Ёшлар билан манзилли ишлар натижасида 1300 дан зиёд йигит-қиз пробация ва профилактик хисобдан чиқарилиб, мактаб дарсларига қайтарилди ва низоли ёш оилалар яратилди. Қолаверса, юздан ортиқ ёш вазирилик тизимидаги қўтқарувчи лавозимига қабул қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, мавжуд имконият ҳамда имтиёзлардан самарали фойдаланиш, аввало, юксак ишонччи оқлаш учун барчамиз ўз устимизда ишлаганимиз, ҳуқуқий маданият ва онгимизни юксалтиришимиз, ижтимоий-сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик маъсулиятимизни янада оширишимиз лозим.

Зиммамиздаги маъсулиятни вазириликнинг талаб даражасида бажариш, шахсий маъсулиятни ҳиссини янада ошириш, фаолиятимизни юқори талабчанлик ва қонунийлик асосида ташкил қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолаверди.

Фавқулодда вазиятлар вазирилик ҳодимлари улуг аждодларимизга муносиб ҳолда ҳар лаҳзада юртимизни фавқулодда вазиятлардан асраш учун камарбаста бўлиб, “Ўз вақтида оғохлантириш, қўтқариш ва ёрдам бериш” шiori остида она юртимиз, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик билан хизмат қиладди.

Бундан кейин ҳам ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси ва қадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, янада халқчил тизимга айлантириш учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Жанубий Корея тажрибаси бўйича сувсизликка чидамли, иқлим шароитига мос ёпиқ илдизли контейнер ва ин-витро усулида 2 миллион кўчат олиш йўлга қўйилади. Маҳмуд Мирзаев номидаги институтнинг Самарқанд, Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийсидаги ерларида йилига 10 миллион дона мевали дароҳ ва бута ниҳоллари етиштирилади.

2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

Она табииат – инсониятнинг умумий уйи

Уни асраб қолайлик!

КЕЛАЖАК БУГУНГИ ҲАРАКАТЛАРГА БОҒЛИҚ

Бугун бутун дунёда иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари яққол кўзга ташланыпти. Жумладан, Марказий Осиё халқлари ҳам ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, глобал иссиқ, турли табиий офатлар ва бу табиат ҳодисаларининг атроф-муҳит ҳамда аҳоли соғлиғига зарарларини бошдан кечирмоқда.

Биз жуда кўп экологик муаммолар юз бераётган таҳликали дунёда яшаймиз. Одамзод эҳтиёжлари натижасида атмосферага турли газлар таъсири, биосфера ўзгариши, ердаги ҳарорат ошиб бориши, денгиз сатҳи кўтарилиши билан турли табиий офатлар юзага келмоқда.

таъкидлангани муаммонинг умумбашарий ва тўхтаб бўлмас экани, зудлик билан қатъий чоралар кўриш талаб қилинишини аниқлади. Бу қараш дунё халқларини қутқариётган таҳдид қаршисидан бирлашишга қорлаб, инсоният, қолаверса, сайёрамизнинг “яшил” келажакни сақлаб қолиш борасида давлатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини кўрсатиб беради. Зеро, инсон омили туфайли содир бўлаётган иқлим ўзгаришлари ва уларнинг зарарли оқибатлари ҳеч бир давлатни четлаб ўтмаслиги кўриниб турган ҳақиқатдир.

Бу борада юртимиздаги углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотлар. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газлари чиқарилишини 35 фоиз камайтириш режаси ишлаб чиқилгани ва бу мажбуриятни 2050 йилга қадар янада кенгайтиришга доир кўрсатмалар мамлакатимиз етакчисининг дунё даражасидаги ислохотчи, кучли стратег, асл келажак бунёдкори, инсонпарвар гоғлар ижодкори эканини амалда яна бир бор исбот қилди. Бундан ташқари, Оролбўйи минтақасининг ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этиш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, биохилма-хилликни сақлашга қаратилган бешта ташаббуснинг илгари сурилши ҳақон давлатларнинг эътибори ва эътирофига сабаб бўлди. Албатта, бугунги кунда бутун дунё олимлари сайёрамизнинг табиий “яшил” келажакни сақлаб қолиш учун курашмоқда. Хусусан, Лондондаги Халқаро алий тизимли таҳлил институти (IIASA) ва Нью-Йоркдаги Колумбия университети олимлари томонидан иқлим билан боғлиқ хавф-хатарлар юзага келадиган ҳудудларнинг илк глобал харитаси яратилиши муҳим воқеалик бўлди. Мазкур харита иқлимдан энг кўп зарар кўрган минтақаларни аниқлаш ва мисли



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Озон қатлами емирилиши, чучук сув танқислиги, ернинг яшил қоплами камайиши, иссиқхона газлари чиқиндилари кўпайиши ва ернинг мелiorатив ҳолати ўзгариши, табиий ресурслар камайиши, шаҳарсозлик, урбанизация жараёнлари умумбашарий муаммолардан ҳисобланади. Энг ачинарлиси эса биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши, ўсимлик ва жониворлар қирилиб битишидир. Бепойён ўрмонлар кесилиши, сув ва ҳаво ифлосланиши натижасида табиатда экотизим мувозанати бузилади. Айтиш керакки, буларнинг барчаси инсонларнинг табиатга кўрсатаётган салбий таъсири оқибатидир. Турли саноат корхоналари, қишлоқ ҳўжалиги ва маиший чиқиндилар нафақат табиатга, инсонлар саломатлигига ҳам, албатта, пугур етказида.

Шаҳар ва қишлоқларда чиқинди миқдори ортиб бориши турли касалликлар кўпайишига ва табиий ресурслар камайишига олиб келади. Бу муаммолар ечими эса мураккаб ва ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади. Аввало, инсонлар орасида экологик онг ва маданиятни ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни бошқариш соҳасидаги интеллектуал ва илмий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш даражасини кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон бутун табиатга бўлган муносибатининг жавобини эртага, албатта, олади.

Бугун дунёда кузатилаётгани каби мамлакатимизда ҳам экология билан боғлиқ муаммолар тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Бугунги кунда энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, машинасозлик каби соҳаларда янада тараққий этиши, бундай вазиятларнинг экотизимга таъсири олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир муаммоларга ечим топиш мақсадида соҳа мутахассислари томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Зеро, мамлакатимизнинг Бош қонуни — янги таҳрирдаги Конституцияда белгилаб қўйилганидек: “Давлат барқарор ривожланиш принципи-га мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади”.

Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққий стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрда “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилиши юртимизнинг “яшил” истиқболига кенг йўл очди. Бунда қатъий белгиланган иссиқхона газлари қисқартирилиши, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш унвдорлиги оширилиши, электр энергияси сарфи ҳажми камайтирилиши, сувдан фойдаланиш ва сув тежовчи сўғориш технологиялари жорий этилиши, йилига 200 миллион туп кўчат экиш ва умумий сонини 1 миллиарддан ошириш, республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини ошириш, саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш каби устувор йўналишлар “яшил” Ўзбекистоннинг келгуси стратегик мақсадларини самарали амалга ошириш механизми бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг экологик ҳимоясини мустаҳкамловчи қонунлар ва “яшил” ислохотлар халқимиз ҳаётида бугун ўз амалий ифодасини топмоқда.

Жорий йил 21 октябрь куни Президентимиз раислигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда режадаги ишларнинг давомий сифатида Нукус, Арнасай, Қорақўл ва Муборак туманларида кейинги йил сувсизлик ва шўбрга чидамли

галогит ўсимлигидан иборат 4 та бог барпо қилиниши таъкидланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразмнинг 250 минг гектар чўлида сув талаб этмайдиган саксув, қандим, черкез уруғлари дрон билан экилади. Баҳор мавсумидан ўрмон ҳўжалиқларидан соғлом оналик плантациясини танлаш орқали йилига 1,5 минг тонна уруғ тайёрланади.

Жанубий Корея тажрибаси бўйича сувсизликка чидамли, иқлим шароитига мос ёпиқ илдизли контейнер ва ин-витро усулида 2 миллион кўчат олиш йўлга қўйилади. Маҳмуд Мирзаев номидаги институтнинг Самарқанд, Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийсидаги ерларида йилига 10 миллион дона мевали дароҳ ва бута ниҳоллари етиштирилади.

Кўчат экиш ишларини ташкил этишда “маҳалла етилиги” вакиллари ўзига бириктирилган кўчаларда 100 тупдан жами 6 миллион дона манзарали дароҳ ўстиради, бошқа кўчалар, бўш майдонлар ва кўп қаватли уйлар атрофида 3 миллион туп кўчат экилади, умуман, маҳаллаларда 20 миллион дона манзарали ва мевали дароҳ экса бўлади.

Шу ватанда туғилиб, уни муқаддас деб билган барча юртдошларимизни жиғидий ўйлашга даъват этаётган ва бунёдкорликка қорлаётган бу каби вазифалар, албатта, келажак авлод ҳаёти учун қилинаётган ишлардан баъзиларидир.



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

КўЧАТ ЭКИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА “МАҲАЛЛА ЕТИЛИГИ” ВАКИЛЛАРИ ЎЗИГА БИРИКТИРИЛГАН КўЧАЛАРДА 100 ТУПДАН ЖАМИ 6 МИЛЛИОН ДОНА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ЎСТИРАДИ, БОШҚА КўЧАЛАР, БўШ МАЙДОНЛАР ВА КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАР АТРОФИДА 3 МИЛЛИОН ТУП КўЧАТ ЭКИЛАДИ, УМУМАН, МАҲАЛЛАЛАРДА 20 МИЛЛИОН ДОНА МАНЗАРАЛИ ВА МЕВАЛИ ДАРАХТ ЭКСА БўЛАДИ.

Она табиатни унинг бағридаги яшил хазиналари билан сақлаб қолиш ва биздан кейинги авлодларга мусоафсо, соф ҳолда етказиб бериш йўлида ҳақон халқлари бирлиқда, ҳамкорликда ҳаракат қилиши жуда муҳим. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга иқлим хатарларини аниқлаш учун етакчи давлатлар ва халқаро институтларнинг техник кўмагини кенгайтириш долзарбдир.

Давлатимиз раҳбарининг БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Боку шаҳрида ўтказилган конференцияси (COP29)даги нутқида иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар бугунги кундаги глобал таҳдид экани асосли равишда таъкидланди. Бунинг таъсири, айниқса, Марказий Осиёда ошиб бораётгани ва аҳоли турмуш тарзини юксалтириш ва тараққий стратегияларини рўйбага чиқаришга тўққинлик қилаётгани дадил айтилди. Геосиёсатнинг кескинлашуви озиқ-овқат, сув ресурслари, энергетик хавфсизлик масалаларида муаммоларни кучайтириб юборишни очиб билдирилди. Минтақада ҳаво ҳарорати жадал ўсишига йўл қўймаслик ва жорий юз йилликда ҳароратни 1,5-2 даража атрофида сақлаб қолиш бош мақсадимиз экани

кўрилмаган иссиқлик туфайли ортиб бораётган хавфни бартараф этиш йўлидаги аҳамияти билан долзарбдир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда “Яшил макон”, “Яшил белбоғ”, “Менинг боғим” умуммиллий лойиҳалари доирасида маҳалла боғлари яратиш, шунингдек, мактаб ва боғчалар, олийгоҳ ва шифохона ҳудудларига кўплаб мевали ва манзарали дароҳлар экиш, маданий ўрмонлар барпо этиш бўйича кечаётган ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий қатламлар билан боғлиқ глобал муаммоларни назарда тутган ҳолда экология соҳасида янги форматдаги замонавий билим ва тажрибалар асосида салоҳиятли, инновацион мутахассислар ва экспертлар тайёрланмоқда, “яшил” иқтисодиётга ўтиш мақсадида қатор стратегия ва концепциялар қабул қилинмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ташкил этилгани ва вилоятларда мазкур олийгоҳ филиаллари, техникумлари фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ амалий ишлар юртимиз табиатини асрашга қаратилган наватдаги муҳим қадамдир. Қувонарлиси, энди бу илм маскани халқаро рейтингларда етакчи ўринларни эгаллаган жаҳоннинг “яшил” университетлари билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмон ҳўжалиги ва гидрометеорология соҳасида етук мутахассисларни, она табиатни асрайдиган “ишончли қўллар”ни тайёрлаши мумкин. Бундай хайрли лойиҳаларни яратиш ва амалга татбиқ этиш ишлари мамлакатимизда давом этмоқда, “яшил макон”, “яшил иқтисодиёт” тушунчалари халқимиз онгига чуқур кириб борди.

Барчамиз тўғри англаган бир ҳақиқат борки, яшил сайёра — инсониятнинг умумий уйи, ватани ва авлодлар эртаси. Беҳисоб кислород манбаи бўлган нажотбахш яшилликнинг қуриб битишига асло йўл қўймаслигимиз, чучук сувни тежашимиз, захарли чиқиндилар табиатни аёвсиз қиришига жим қараб турмаслигимиз шарт. Бунинг учун, аввало, ўзимизда экологик маданиятни шакллантириш, зиели сифатида атрофимиздаги инсонларни она табиат софлиги йўлида эргаштириш ва биргалиқда ҳаракат қилишимиз асосий инсонийлик бурчимиздир.



Санжар ШОҚЎЧҚОРОВ, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ана шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2019 йилда Ўзбекистон “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини қабул қилган эди. Унга кўра, яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Албатта, бу тақдир тасодиф эмас, унда элу юртимизнинг хоҳиш-истаги ва орзу-ниятлари мужассам, десак янглишмаган бўлаемиз.

Ўзбекистон бу борада кўп йиллик тажрибига эга. Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони

2024 йил 5 июнда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтишда миллий шаффофлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатда “яшил” иқтисодиётни жадал ривожлантириш, илгор халқаро стандартларга мувофиқ ушбу йўналишда шаффофлик даражасини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

каби давлатлар билан ҳамкорликда бир қатор фотозлектр станциялар бунёд қилинди ва жараён изчиллик билан давом этмоқда. Хитой билан ҳамкорликда 2023 йил Сирдарё қуёш электр станцияси барпо этилди. Бугунги кунда бундай лойиҳалар сонини ортиб бормоқда.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш ҳар жиҳатдан фойдали. Бу, энг аввало, оддий инсонларнинг манфаати ва истиқболига ижобий таъсир кўрсатади. Яъни иқтисодиётнинг турли тармоқларида “яшил” технологиялар жорий этилиши аҳоли яшаш сифатини яхшилайдиган, атроф-муҳит мусоафсо бўлиб, одамлар саломатлиги янада мустаҳкамланади, ўртача умр кўриш давомийлиги узади, оналар ва болалар ўлими камаюди.

“Яшил” иқтисодиётнинг муҳим компонентларидан бири қайта тикланувчан энергия манбаларини яратиш ва улардан унвумли фойдаланишдир. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда муқобил энергиянинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилги эквивалентига тенг. Бу бугунги кунда аҳоли эҳтиёжларидан уч қарра кўп. Қолаверса, ушбу соҳадаги қатор фойдали лойиҳалар ҳам борки, уларни амалга ошириш яқин ўн йилда қайта тикланувчан энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёд қўлайтириш имконини беради.

Албатта, ушбу ислохотлар ўз вақтида ва сифатли татбиқ этилса, ичимлик сув муаммолари, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ ҳўжалигидаги инновациялар,

БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадди конвенцияси томонлари конференциясининг ақинда Боку шаҳрида бўлиб ўтган 29-сессияси (COP29) доирасида таъкидланганидек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичлари кескин оширилиб, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштиришга асосий эътибор қаратилган.

Шунингдек, мамлакатимизда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмаги билан “яшил” хусусий секторни ривожлантириш лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад 2030 йилгача атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилар ҳажминини 10 фоиз камайтиришдан иборат.

Хорижий мутахассислар Ўзбекистоннинг қурилиш ва тўқимачилик саноатидаги 80 дан ортиқ компания билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. “Яшил” технологияларни татбиқ этиш, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқиндини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларга ижобий ечим топишда, иқтисодиёт раванқини ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашида бу ишларнинг аҳамияти юқори. Чунки экологик муаммолар, иқлим ўзгаришининг салбий таъсириларини кундалик ҳаётимизда ҳис этишимиз, сезамиз. Уларни камайтириш эса бугунги сайёҳаракатларимизга боғлиқ.



Тасаввуримдаги Учинчи Ренессанс Президентимиз ташаббуси билан бошланган, ўзида тарихимиз ва келажакимиз залворини жамлаган улкан тарихий ҳодисадир. Бир жиҳатдан мана шундай ҳодиса муқаддимаси бошланган даврда яшаётганимиз, унга ҳисса қўшиш имкониятимиз борлиги ўзгача фахр бағишлайди. Ахир бу кунларни аждодларимиз озмунча кутганмиди?!

Мулоҳаза



Халқимиз ўз олдига Учинчи Ренессансни барпо этишдек улкан вазифани қўйган. Бу борада жамиятимизда барча зарур шароитлар етилиб улгурган бўлса-да, аксариятимиз Учинчи Ренессанс моҳиятини англашда хануз оқсаётгандекмиз, бу тарихий мақсадга эришишни жисму жонимиз билан тўла ҳис этмаётгандекмиз.



БУНДАЙ ЮРТДА ЯШАШ КИШИГА ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

Инсон борки, эркин ва фаровон яшашни истайди. Албатта, узоқ умр, бахтли ҳаёт кечирishi шунчаки орзу бўлиб қолмай, амалда кенг имконият, қудайликлар ишончли қонунлар орқали мустақамлаб қўйилган бўлса, одам учун бундан ортиқ бахт йўқ.



Шукр, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Кун сайин ҳамма соҳаларда ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртимиз қисқа муддатда чирой очиб, таниб бўлмас ҳолга келди. Бу кўрк-тароват нафақат шаҳарлар, балки марказдан олис қишлоқларда ҳам бўй кўрсатмоқда.

Яқинда Шахрисабз туманининг чекка тоғли ҳудудларидан бири — Фелон қиш-



лоғида бўлдим. Илгари борганимда йўл абгорлигидан роса қийналгандим. У ерларга енгил машина чиқолмасди. Бугун бемалол, чўчмай бориш мумкин. Йўлнинг текис ва равонлигини кўриб, ҳавасингиз келади. Қишлоқ одамларининг мамнунигини айтмайсизми. Ислохотлар инсонни қадрлашга қаратилган мана шундай саъй-ҳаракатларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари инсон давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим, деган ташаббус билан чиққани ҳам бежиз эмас. Бунинг натижа-

сида бугун инсон қадрини юксалтириш давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифасига айланди.

Бир пайтлар биргина маълумотнома олиш учун камидат тўртта идора эшигини тақиллатишга мажбур эдик. Шунда ҳам ишни охирига етказолмай, хуно бўлганимиз ҳам сир эмас. Айниқса, сансоларлик кишини чарчатиб қўярди. Баъзан ойлаб югуриб, иш якунланмай, қўл силтаб кетган пайтларимиз ҳам бўлган. Соҳамизда олис масофаларда ишлашга тўғри келади. Шу боис, бирор ҳужжат керак бўлса, бир кун вақт сарфлаб шаҳарга бориш, шунда ҳам ўша идора раҳбарини тополсангиз — яхши, бўлмаса, вақтингиз беҳуда кетгани қоларди. Эҳ-хе, бундай мисолларни кўп-лаб келтириш мумкин. Муҳими, барчаси ортада қолди.

Бош қонуниимиз орқали инсон қадр ва юрт равнақи янада юксалиб бораверади. Зеро, ҳар бир иш замирида халқ манфаати турар экан, бундай юртда яшашнинг ўзи завқ бағишлайди.

Зубайдулла РАҲИМОВ,
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг
Қашқадарё вилоятидаги
“Давтош” конлари бошлиғи

МАЪНАВИЙ БУЮК ХАЛҚ ИҚТИСОДИЙ ТОМОНДАН ҲАМ БУЮКДИР

Мамлакатимиз ривожланиши учун коррупцияни батамом йўқотиш жуда катта аҳамиятга эга. Порахўрлик, мансаб суистеъмоли бор жойда тараққиёт бўлмайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари фаолиятининг бошиданок бу иллатга

деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботи миллий кенгаш йиғилишларида эшитиб борилмоқда. Бироқ бу борада ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам етарли. Ўтган йили коррупцияга оид жиноятлар 12 фоиз камайган

қила олмаймиз. Шу боис, давлатимиз раҳбари ҳаммиша таълимга тараққиёт драйвери сифатида эътибор қаратиб келади. Бу эътибордан катта натижалар кутилмоқда. Жумладан, келгуси йилларда боғчаларда қармовни 80 фоизга, олийгоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолади. Халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағи ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилади. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади, янгидан қурилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилади. Тадбиркорларга мактаб куриш учун 20 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилди. Бунда кредит ставкасининг 13,5 фоиздан ошган қисми бюджетдан қопланади. Шубҳасиз, бу вазифаларнинг бажарилиши жадал ривожлантиётган таълим тизимимиз учун катта юксалиш бўлади.

Ёшлар — келажак бунёдкори. Мамлакатимиздаги ёшларга оид давлат сиёсати замирида айнан шу ишонч ётади деб ўйлайман. Ёшларимиз биздан ҳам билимли, салоҳиятли бўлиб вояга етмоғи лозим. Чунки давр талаби шундай. Улар ёрқин келажакка қучли шижоат билан қарайдиган, маънавий бақувват бўлиши керак. Бу маънавий жасоратни ҳамда ўзликни шакллантириш эса бизнинг бугунги вазифамиз. Президентимиз ёшларимиз онгу тафаккурида миллий гуруҳ билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга онд давлат сиёсатини такомиллаштириш зарурлигини қайд этди.

Бу вазифалар барчамизга бирдек тегишли. Чунки етук авлодни вояга етказиш бутун жамиятнинг иши. Бунинг учун эса ўзимиз ҳам маънавиятимизни ривожлантиришдан бир зум тўхтамаслик лозим. Зеро, тарбияда ўрнатилган муҳим.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!


қарши аёвсиз курашиш лозимлигини таъкидлайди. Янги таркибдаги парламент мажлисларидаги нутқларида ҳам айни жиҳатга эътибор қаратди. Жумладан, давлатимиз раҳбари сўнгги беш йилда “Коррупциянинг мавжуд эмаслиги” кўрсаткичида Ўзбекистон 23 поғона юқори кўтарилиб, 2023 йилда 140 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллагани ва Марказий Осиё минтақасида бу йўналишда сезиларли ижобий кўрсаткични намоён қилганини қайд этди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш бўйича “очиклик индекси” жорий этилди. Баҳолаш натижаларига кўра, қониқарсиз

бўлса-да, 6500 шахс коррупцияда айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, коррупция ҳолати сўнгги йилларда сезиларли даражада камайди, бироқ мақсадимиз уни бутунлай йўқ қилиш. Сабаби, бу иллат улугвор мақсадларга эришишимиз, салоҳиятли ёшларнинг ўзини намоён қилишида худди чирмовуқ каби ҳалақит беради. Тизимларни коррупциядан бутунлай холи қилсак, бу ҳам Учинчи Ренессансга эришув йўлидаги улкан ғалаба бўлади деб ўйлайман.

Президентимиз таълим масаласига ҳам алоҳида ургу берди. Чунки бусиз Учинчи Ренессансни тасаввур



Фирюза ИКРОМХОНОВА,
Тошкент давлат педагогика университетини проректори,
филология фанлари доктори,
профессор

Тасаввуримдаги Учинчи Ренессанс Президентимиз ташаббуси билан бошланган, ўзида тарихимиз ва келажакимиз залворини жамлаган улкан тарихий ҳодисадир. Бир жиҳатдан мана шундай ҳодиса муқаддимаси бошланган даврда яшаётганимиз, унга ҳисса қўшиш имкониятимиз борлиги ўзгача фахр бағишлайди. Ахир бу кунларни аждодларимиз озмунча кутганмиди?!

Давлатимиз раҳбари бундай деган эди: “Ўйлайманки, тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда Учинчи Ренессансни айнан жадид аждодларимиз амалга оширишлари мумкин эди. Афсуски, мустабид тузум уларнинг эзгу ғоя ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермади”.

Мазкур тарихий мақсадни амалга ошириш бизнинг чекимизга тушди. Бу ҳар биримизга улкан масъулият юклайди. Сабаби, мақсад ниҳоятда улкан, уни амалга оширишда катта-кичик барча жиҳат инобатга олиниши, замон билан ҳамнафаслик ҳаммиша дастуриламал бўлиши лозим. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқини тинглаб, биз бу улуг мақсад сари юксак шаҳд билан кетаётганимизни, йўлимиз тўғри эканини яна бир бор тушуниб етдим.

Бағрикенглик

Дўстлик, миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик халқимизга хос фазилатлардан. Бу қадриятлар мамлакатимиз Конституциясида ҳам акс этган. Жумладан, Асосий қонуниимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”, дея мустаҳкамланган.



ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ФАЙЗУ БАРАКА БЎЛАДИ

ўрганиш, урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб қилиш учун жуда катта имконият берилган. Солал — Янги йил, Тано — ёз байрами ва Чусок — ҳосил байрами сингари миллий байрамларимизни бошқа миллат вакиллари билан ҳамжихатликда нишонлаш анъанага айланди. Марказ ҳузурда фольклор рақс ва кўшиқ жамоалари фаолияти йўлга қўйилган. Спортнинг миллий турлари ва шахмат бўйича секциялар ташкил этилган дўстлик ва биродарлик ришталарини боғлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Минглаб немис оиласи фарғоналиклар билан бир тан, бир жон бўлиб яшаб келади. Кейинги йилларда уларнинг урф-одатлари анъаналарини тиклаш, санъат ва маданиятини ривожлантириш борасида янги имконият эшикларини очилди. Фарғона шаҳрида Немис миллий маданий маркази ташкил этилди. Бу ерда немис халқи ўтмиши, бугунги ҳаёт тарзи билан боғлиқ кўп-лаб тадбир ва учрашувлар ўтказиш анъанага айланди.

— Немис миллатига мансуб аҳоли кўп бўлмаса-да, ҳар жабҳада фаол, ҳамжихат бўлишга ҳаракат қилади, — деди марказ раҳбари Валентина Миллер. — Бир неча



йилдирки, немис тилини ўрганиш учун махсус ўқув курслари ташкил этилди. Тингловчилари зарур ўқув адабиёти ва қўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу йўналишда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорлик қилинмоқда. Улар тингловчилар учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланма, га-

зета-журнал ва бошқа тарқатма материаллар билан таъминлашда амалий ёрдам берапти. Биз меҳмондўст, самимий фарғоналиклар билан ҳамжихат бўлиб яшаётганимиз билан фахрланамиз. Бундай юртни ҳеч қаердан топиб бўлмайди.

ва маданияти, ҳунармандлик, миллий пазандлик анъаналарини тарғиб этиш, ривожлантиришда фаол. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож, яқка-ёлғизларни аниқлаш, хайрия тадбирларини ўнгиришда бош-қош бўлмоқда.

Фарғона шаҳрида яшаётган Метин Каримов киргиз миллатига мансуб. Узоқ йил халқ таълими соҳасида меҳнат қилиб, нафақага чиққан. У мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёти, аҳоли фаровонлиги йўлидаги ислохотлардан мамнун.

— Қўшни Қирғизистонда қўда-андаларим бор, — дейди Метин ота. — Бир пайтлар йўл беркилиб, ўзаро борди-келди, қариндошлик ришталари узилиб қолгани кечадек эсимда. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатлар ўртасидаги черага бостилиш орқали ҳаракатланиш содда-лаштирилди. Зарур шароит ва имконият яратилгани оилаларни қувонтирди. Меҳр — кўзда, дейишди. Энди қариндошларимиз олдига меҳмон бўлиб эмин-эркин бориб келяпмиз, сайру сەҳаёт қилинмоқда.

— “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанимиз!” деган эзгу широр жонажон мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча

миллат вакиллари тилида жаранглаб турибди, — дейди Татар миллий маданий маркази раҳбари Альбина Каримова. — Қадр ба-ланд бу қадриятлар мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топган. Унда ҳар бир миллат шаъни, қадр-қиммати қонун билан ҳимояланган. Озод, обод, тинч-тотув юртда яшашнинг завқи бошқача бўлади. Катта-кичик давраларда ранго-ранг либослар кийиб, турли тилларда сўзлашаётган миллат болаларининг юртимиз — Ўзбекистонни чин дилдан мадҳ этаётгани, ватан барча ўзбекистонликлар учун ягона эканидан далолат. Тўқинлик, фаровонлик тимсоли бўлган Сабантўй байрамларини бирга нишонлаётганимиз, кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Миллий марказимиз ҳузурда ташкил этилган “Кубалегим” фольклор жамоаси, “Кувасой қизлари” ёш ижодкорлар гуруҳлари билан Конституцияимиз қабул қилинган сана ва Янги йил байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш учун қизқарли, кўнгилочар дастурлар тайёрлаб, юртдошларимизга ҳавола қилинмоқда.

Расулжон КАМолов,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Бобурнома” жаҳон адабиётининг гўзал, ноёб дурдонаси сифатида ўтган давр мобайнида инглиз, немис, француз, ҳинд, рус, испан, араб, уйғур, турк, қозоқ, пушту, урду, япон ва бошқа тилларга таржима қилиниб, мунтазам чоп этиб келинмоқда, тарихчи ва адабиётшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинмоқда.

Кейинги йилларда юртимизда буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини теран ўрганиш ва оммалаштириш, хусусан, бобуршунослик фанини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


“Бобурнинг арузга доир янги топилган иккинчи асари — “Тақтеъ” тадқиқоти бу илмнинг сўнгги олий ютуғидирки, ўзбек арузчилигида Бобургача ва ундан сўнг ҳозиргача ҳам бундай кўп миқдордаги вазн ўрганилгани кўрилган эмас.

БОБУР ИЛМИЙ ИЖОДИНИНГ ЧЎҚҚИСИ — “ТАҚТЕЪ” РИСОЛАСИ ТОПИЛДИ

Хусусан, ўтган 2023 йилда Президентимизнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлашга оид қарори қабул қилинган мумтоз сиймоларимизга кўрсатилаётган юксак эътибордан далолат. Албатта, бу каби тарихий ҳужжатларда белгиланган вазифалар фақат бир йил билан чекланиб қолмайди. Ҳаёти ва фаолияти умумбашарий аҳамиятга эга Мирзо Бобурдек зотларнинг ижодий, илмий меросини чуқур тадқиқ этиш ва оммалаштириш доимий қарорда туриши зарур.

Бундан ташқари, бундай бобуршуноснолик, балки дунё илмий-маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Қарор ижроси доирасида, шунингдек, “Бобурнома”нинг қорақалпоқ ва замонавий ўзбек тилидаги табиқилари яратилгани, Мирзо Бобурнинг олти жилдли “Куллиёт”и тўлиқ нашр қилинган китобхоналари янада хушнуд эътиборга эришилди.

Ўзбек мумтоз насри ва тарих фанида ҳам “Бобурнома” мислсиз монументал асардир. Шахс сифатида эса у жаҳон шарқшунослари ва давлат бошлиқлари эътироф этган ва таъкидлаган дилбар инсондир. Биз юқорида Бобурнинг арузга доир рисолалари ҳақида сўз юритдик. Бобуршуносноликда ҳозиргача Бобурнинг арузга доир битта рисоласи нашр этилди.



Бобур халқаро жамоат фонди ўзбек бобуршунослиги ривожига йўлида тинмай изланишлар олиб бораркан, Бобурнинг топилмаган бир неча асари хусусида жон куйдириб, жаҳон илмий оmmasига уларни топиш юзасидан мурожаат йўллаган.

БУ ҲАҚДА БОБУРНИНГ ЎЗИ НИМА ДЕЙДИ?

“Бобурнома”да Бобур аруз вазнига доир яна бир асар ёзгани ҳақида маълумот берган. Асарнинг “Вақоъи санайи салоса ва салосина ва тисъа миа (933 йил — 1526-1527 воқеалари) бобидан кўчирма: “Одина (жума) кун, зулҳижжа ойининг иккисиди 41 қатла ўқур вирдин бунёд қилдим. Ушбу айёмда бу байтиمنى: **Кўзу қошу сўзу тилишиму дей?** **Қаду қаду сочу белиниму дей?** беш юз тўрт вазнда тақтеъ қилдим. Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди”.



Ушбу гапда Бобурнинг аруз рисоласидан ташқари яна бир ушбу вазнда доир рисола — тадқиқот яратгани аниқ-тиниқ билиниб турибди.

БУ ХУСУСДА ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Академик Абдулла Аъзамов “Заҳриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг 2017 йилги нашрида Бобурнинг “Тақтеъ” асари ҳақида мақола эълон қилган. Бу мақолада муаллиф асарга “Тақтеъ” деб ном берган ва асар кўлэмаси Техрондаги “Гулистон” музейида сақланаётган “Бобур куллиёти” тўламида борлигини айтиб, кўлэма саҳифаларига кўрсатган.

“Тақтеъ” — Бобурнинг муталлавин санъатига бағишланган рисоласи. Рисоланинг ҳозирча бир нусхаси Бобур асарларининг Техрон мажмуаси таркибиди топилган.

2022 йилда “Зилол булок” нашриётида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг олти жилдли “Куллиёт”и нашр этилди. Нашрга тайёрловчи Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби Мирзо Кенжабек ушбу “Куллиёт”нинг 3-жилдида Бобурнинг арузга доир рисоласини “Куллиёт”нинг 3-жилдида киритиб, неғадир “Тақтеъ” рисоласининг бисмилосидан кўйидаги

сарларни шундоққина олиб, Бобурнинг “Аруз” рисоласининг бош қисмига кўйган. “Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийим. Баъд аз ҳамду сипосу дуруди беқиёс чунин гўяд саргаштаи водии тахайор Заҳируддин Муҳаммад Бобур (Беҳад меҳрибон, бениҳоят раҳмли Аллоҳ исми билан. (Аллоҳга) чексиз ҳамду сано ва (Расулуллоҳга) сўнгсиз салоту саломдан сўнг мундоқ айтур —

“Тақтеъ” рисоласи топилиши бобуршуносноликда бир неча муаммога ойдинлик киритди. Жумладан, ҳозиргача Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи Россия ва Ўзбекистонда “Аруз рисоласи”, “Трактат об арузе”, “Мухтасар” ва “Муфассал” номларида эълон қилиб келинди. Ҳозирги “Тақтеъ” рисоласида Бобур биз билган биринчи аруз рисоласи номини аниқлаштирган ва “Аруз” эканини алоҳида қайд этган: “Дар таърихи нуҳсаду сию як, ки “Аруз”и ман ба Хуросон рафт... (таржумаси: тарихий сананинг 931 йили менинг “Аруз”им Хуросонга (яъни Хиротга) бориб етганида”.

“Тақтеъ” рисоласи мустақил илмий тадқиқот экани кўйидаги хусусиятларга кўра далилланган.

Биринчиси, Бобурнинг “Тақтеъ” асари форс тилида ёзилган. Иккинчиси, бу асар “Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийим” сўзлари билан бошланган ва таомир (хотима)га эга. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Тақтеъ” асари форс тилидаги жуда муҳим асар бўлиши билан бирга ўзбек арузшунослигида янги ва жуда фавуқлода илмий ҳодиса ҳамдир. Чунки ўзбек аруз илмида ҳозиргача муталлавин (кўп вазнда тақтеъ қилинадиган байт) санъати ҳақида сўз борса, бундай миқдорни ҳеч биримиси эшитмаганми.

Бобурнинг “Тақтеъ” асариди маълумотиغا кўра, хиротлик бир шoir Бобурнинг **Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум**

байтини 252 вазнда тақтеъ қилиб, шаҳаншоҳ муаллифга жўнатгани ҳақидаги хабарнинг ўзи адабиётшуносноликда мисли кўрилмаган ҳодисадир: “Дар таърихи нуҳсаду сию як, ки “Аруз”и ман ба Хуросон рафт, яке аз шуъарои он жониб ин байти маро: **Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум**

Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум кўзига илмади ул ой, — дар дувисту панхоху ду (252) вазн тақтеъ қарда навишта фириствода буд. Алҳақ, таҳқиқи тамом қарда ва тадқиқи лоқмол ба жо оварда”.

Таржумаси: тарихий сананинг 931 йилда “Аруз”им Хуросон (Хиротга) бориб етганида, ўша томоннинг шоирларидан бири менинг **Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум** кўзига илмади ул ой байтиمنى 252 вазнда тақтеъ қилиб, ёзиб юборган эди. У чиндан ҳам мукамал

ибора. У настаълик хатида кўчирилган, матн қора сиеҳда ёзилган, муҳим жиҳатлар, атама ва ажратилиб кўрсатилиши лозим бўлган қисмлар қизил сиеҳ билан кўчирилган. Асосий матн бир устунда, шеърлар ҳар саҳифага икки устун қилиб жойлаштирилган. Иккинчи саҳифада “Бухоро лисони ила арузи чигатой” сарлавҳаси берилган. Кейинги саҳифада “Бухоро ва Хўқанд ва Самарқанд ва Хўжанд ва атрофида махсус чигатой лисони вазнда тартиби аруздир” изоҳи ҳам бор.

Бугун биз Ўзбекистон ва жаҳон бобуршуносларига “Тақтеъ” рисоласи топилишини эълон қиламиз. Гарчи Бобур бу рисола сизга ном қўймаган бўлса-да, биз академик Абдулла Аъзамов қўйган “Тақтеъ” номини рисолага мос ва муносиб ном сифатида маълумлаш ва фаанга шу номда киритилиши тарафдоримиз.

“Тақтеъ” рисоласи топилиши бобуршуносноликда бир неча муаммога ойдинлик киритди. Жумладан, ҳозиргача Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи Россия ва Ўзбекистонда “Аруз рисоласи”, “Трактат об арузе”, “Мухтасар” ва “Муфассал” номларида эълон қилиб келинди. Ҳозирги “Тақтеъ” рисоласида Бобур биз билган биринчи аруз рисоласи номини аниқлаштирган ва “Аруз” эканини алоҳида қайд этган: “Дар таърихи нуҳсаду сию як, ки “Аруз”и ман ба Хуросон рафт... (таржумаси: тарихий сананинг 931 йили менинг “Аруз”им Хуросонга (яъни Хиротга) бориб етганида”.

“Тақтеъ” рисоласи мустақил илмий тадқиқот экани кўйидаги хусусиятларга кўра далилланган. Биринчиси, Бобурнинг “Тақтеъ” асари форс тилида ёзилган. Иккинчиси, бу асар “Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийим” сўзлари билан бошланган ва таомир (хотима)га эга. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Тақтеъ” асари форс тилидаги жуда муҳим асар бўлиши билан бирга ўзбек арузшунослигида янги ва жуда фавуқлода илмий ҳодиса ҳамдир. Чунки ўзбек аруз илмида ҳозиргача муталлавин (кўп вазнда тақтеъ қилинадиган байт) санъати ҳақида сўз борса, бундай миқдорни ҳеч биримиси эшитмаганми.

Бобурнинг “Тақтеъ” асариди маълумотиغا кўра, хиротлик бир шoir Бобурнинг **Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум**

байтини 252 вазнда тақтеъ қилиб, шаҳаншоҳ муаллифга жўнатгани ҳақидаги хабарнинг ўзи адабиётшуносноликда мисли кўрилмаган ҳодисадир: “Дар таърихи нуҳсаду сию як, ки “Аруз”и ман ба Хуросон рафт, яке аз шуъарои он жониб ин байти маро: **Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум**

Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум кўзига илмади ул ой, — дар дувисту панхоху ду (252) вазн тақтеъ қарда навишта фириствода буд. Алҳақ, таҳқиқи тамом қарда ва тадқиқи лоқмол ба жо оварда”.

Таржумаси: тарихий сананинг 931 йилда “Аруз”им Хуросон (Хиротга) бориб етганида, ўша томоннинг шоирларидан бири менинг **Қошига борали кўнгул ўзига келмади, нетай, Юзига тушгали кўзум** кўзига илмади ул ой байтиمنى 252 вазнда тақтеъ қилиб, ёзиб юборган эди. У чиндан ҳам мукамал

талқинлар қилиб, тадқиқотни ҳадди аълосига етказган эди.

Бобурдай қаттиққўл ва талабчан адабиётшуносни исми бизга номаълум бўлиб қолган шоирнинг илмий заковатига оқилона ва одилона юксак баҳо бергани бежиз эмас. Қизиғи шундаки, бу рисоланинг яратилишига гўё ана шу воқеа сабаб бўлгандай туюлади. Бобур рисолада ўз имкони ва маҳоратини синомочи бўлгандай бир жиддий ишга киришди. У ўзининг **Кўзу қошу сўзу тилишиму дей?** **Қаду қаду сочу белиниму дей?**

байтини тақтеъ қила бошлайди. Бобурнинг максоди ўзининг бу байтини 504 вазнда тақтеъ қилиш бўлган.

Ин байти ҳурдо: **Кўзу қошу сўзу тилишиму дей?** **Қаду қаду сочу белиниму дей?** дар понсаду қаҳор вазн тақтеъ гардад.

Иш жараёнини муаллиф хотимадан сўнг бундай ифода этган:

“Бу байтин беш юз тўрт вазндан дағи кўпрак вазнда тақтеъ қилилиб эрди. Тас-ҳеҳ жиҳатидин бу рисоланинг бошидин оёғига — оёғидин бошига мукаррар (такрор) келдум ва бордум, ҳар не ҳадшалик (чалқашлик) ва мукаррар (такрорланган) вазларким топилиди, чиқордим. Беш юз тўрт вазн қолди. Ва дедимким, ажаб ададу! Кам ёзид қилур ҳаёлида эдим. Баяқбор хотирга етдиким, Хуросон фузалосидин улким, бурунги байтимининг кунҳига (моҳиятига) етибдур, ул байтни икки юз эллик вазнда тақтеъ этиптир. Сўнгги байт беш юз тўрт вазндурким, буруннингинг зигъи (икки баробари) бўлғай. Бас, ушмунча била ихтисор (қисқа) қилилса, бемуносабат эмас эмиш. Бу беш юз тўрт вазн тақтеъида қатъ қилмок бе-жиҳат (сабабсиз) эмас эрмиш”.

Бобур эришиши кўзлаган миқдорнинг муҳимлиги шундаки, аруз вазндаги 21 бахрининг ҳамма тармоқлари унда ўз аксини топади. Арузшунос Бобур тақтеъ саногини мўлжал маррасига етказди. Ниҳоят у фавуқлода ютуққа эришди: хуросонлик шоир етказган вазлар миқдори Бобур имкониди икки баравар кўпаяди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг аруз илмида кўлга киритган ушбу ютуғи нафақат ўзбек арузчилигида, балки форсий арузчилар орасида ҳам мислсиз тадқиқот чўққиси дид.

Бобурнинг “Тақтеъ” рисоласи аввал профессор Ҳамидулла Болтабоев тайёрлаган китобда араб ёзувида, сўнг эса Мирзо Кенжабек томонидан нашрга тайёрланган “Куллиёт”нинг 3-жилдида араб ва кирилл ёзувида эълон қилинди.

Бобурнинг арузга доир янги топилган иккинчи асари — “Тақтеъ” тадқиқоти бу илмнинг сўнгги олий ютуғидирки, ўзбек арузчилигида Бобургача ва ундан сўнг ҳозиргача ҳам бундай кўп миқдордаги вазн ўрганилгани кўрилган эмас.

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси,
профессор,
Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби, филология фанлари номзода, доцент



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Бюджет** — 4349.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмуродов
Мусаҳҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 19:36 Топширилди — 22:25

